# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2014 йил 29 октябрь, № 209 (6139) Чоршанба


# САНОАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ КЎЗГУСИ

*Мамлакатимизда жорий йилнинг тўққиз ойида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,4 фоиз ўсди. Бу иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш ва модернизация қилиш бўйича изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасидир.*




Дарҳақиқат, бугунги кунда республикамиз саноати жадал тараққий этмоқда. Корхоналаримизда тайёрланаётган сифатли маҳсулотларга ички ва ташқи бозорда талаб тобора ошиб бораяпти. Бу, ўз навбатида, ишлаб чиқарувчилар ўртасида соғлом рақобат муҳитини янада яхшилаш, ўзаро алоқаларни кенгайтиришни тақозо қилмоқда. Айтиш жоизки, анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган ва ўтган вақт ичида саноатчиларнинг ўзига хос мулоқот майдонига айланган Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси айнан ушбу мақсадларга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир. Сабаби, мазкур тадбир хўжалик юритувчи субъектларга ишлаб чиқаришни оптималлаштириш, ички тармоқ ва тармоқлараро кооперацияни мустаҳкамлаш, ўзаро ҳамкорликни ўрнатиш, тайёр маҳсулотларни ички бозорга етказиб бериш ҳамда экспорт қилиш учун келишувга эришишда яқиндан кўмаклашаяпти.

Кеча пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" мажмуида ана шу форумнинг навбатдагиси — VIII Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси ўз ишини бошлади.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 24 февралдаги "2014 йилда Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржасини ўтказиш тўғрисида"ги қарори асосида ташкил этилган мазкур тадбирда республикамиздаги 1700 дан ортиқ корхона ва ташкилотлар қаторида 50 дан зиёд мамлакатнинг

**1200** дан кўпроқ фирма ҳамда компаниялари вакиллари қатнашмоқда.

(Давоми 2-бетда).



«OROL DENGIZI MINTAQASIDAGI EKOLOGIK OFAT OQIBATLARINI YUMSHATISH BO'YICHA HAMKORLIKNI RIVOJLANTIRISH» XALQARO KONFERENSIYASI

## Экологик барқарорлик йўлидаги ҳамкорлик

*Урганч шаҳри "Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш" мавзуидаги халқаро конференцияга мезбонлик қилмоқда. Кеча иштирокчилар мазкур анжуман доирасида ҳududдаги бир қатор ижтимоий объектлар ва амалга оширилаётган лойиҳалар билан яқиндан танишдилар.*

Меҳмонлар вилоятдаги онкология диспансери ҳамда Республика ихтисослаштирилган Урология маркази Хоразм филиалини бориб кўрдилар. Шифо масканлари замонавий тиббиёт ускуналари, лаборатория жиҳозлари билан тўлиқ таъминланган бўлиб, уларда малакали врачлар ва тиббиёт ходимлари аҳолига сифатли хизмат кўрсатиб келмоқда.

— Орол муаммоси нафақат минтақавий, балки глобал муаммодир, — деди **Буюк Британиянинг "Earth Times" он-лайн экологик журнали бош муҳаррири Дэйв Армстронг.** — Шу боис Президент Ислом Каримов ташаббуси билан ўтказилаётган халқаро конференция жуда долзарбдир. Электрон нашримизда Орол фожиаси ҳақида эколог-олимлар, мутахассислар мақолаларини мунтазам бериб борамиз. Ўзбекистонда ушбу табиат инқирозининг олдини олиш, унинг ҳалокатли оқибатларини юмшатиш йўлида қатор ишлар амалга оширилаётганидан яхши хабардорман. Хусусан, Орол денгизи ҳавзаси давлатларига ёрдам кўрсатиш бўйича 2011 — 2015 йилларга мўлжалланган дастур доирасида уч юздан зиёд лойиҳа амалиётга жорий этилаётгани ҳам диққатга моликдир. Конференция доирасида мазкур чора-тадбирлар билан яқиндан танишиш имконига эгамиз.

Оролбўйи ҳудудида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, турмуш даражаси ва сифатини юксалтиришга катта эътибор қаратилаётгани таҳсинга сазовор. Хусусан, чекка, боз устига, экологияси бузилган ҳудудда барча талабларга жавоб берадиган соғлиқни сақлаш инфратузилмаси яратилган. Бу давлат томонидан кучли ижтимоий сиёсат юритилаётганини кўрсатади.

— Юртингизда жуда кўп бор меҳмон бўлганман, — деди **Кувайт Араб иқтисодий ривожланиш фондининг Марказий Осиё ва Европа давлатлари бўйича минтақавий менежери Юсуф ал-Бадр.** — Ҳар сафар келганимда, янги бунёдкорликлар, ўзгаришларга гувоҳ бўламан ва бундан чексиз завқ оламан. Ўзбекистон йилдан-йилга ривожланиб, иқтисодий барқарорлиги ва аҳоли фаровонлиги юксалиб бораётир. Буни одамлар юз-кўзидаги кўтаринки кайфият, самимият, бугундан розилик, келажакка мустаҳкам ишонч туйғусида ҳам кўриш мумкин. Бу давлат раҳбари Ислом Каримов томонидан ҳаётга татбиқ этилган тараққиётнинг "ўзбек модели" стратегияси жуда тўғри, ҳаёт талабларига мос келадиган кучли дастуриламал эканлигининг ёрқин исботидир. Фондимиз Ўзбекистондаги қатор вазирликлар билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Айни пайтда мамлакат ҳудудлари, шу жумладан, Оролбўйи минтақасида соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги, ичимлик суви таъминоти каби соҳаларда олтита лойиҳани амалга оширишда қатнашаяпмиз. Икки томонлама алоқаларни янада ривожлантиришдан манфаатдормиз.

(Давоми 2-бетда).

## Қисқа сатрларда

● Пойтахтимизда Президентимиз томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ахборот соҳасини ислоҳ этиш борасида белгилаб берилган устувор вазифаларга бағишланган матбуот анжумани ташкил қилинди. Тадбир Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан ўтказилди.

● **Термизда давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда оилалар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш, хотин-қизлар бандлиги билан боғлиқ масалалар атрофлича муҳокама қилиниб, тегишли чора-тадбирлар белгиланди.**

● Самарқандда "Мустақиллик — менинг тақдиримда" мавзусидаги "Баркамол авлод" болалар фестивалининг вилоят босқичи ўтказилди. Вилоят халқ таълими бошқармаси, "Баркамол авлод" болалар маркази ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган танловда ўқувчилар 6-11 ва 12-16 ёш тоифасида қатнашди. Улар техник ижодкорлик, бадиий ижодиёт, ўлкашунослик ва экология йўналишларида ўз билим ҳамда маҳоратини намоён этди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

## Муҳим сиёсий жараёнга ҳозирлик

*Аҳоли саломатлиги, мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Зеро, юртимизда ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга экологик жиҳатдан ёндашилаётгани Ўзбекистон барқарор тараққиётининг муҳим омилига айланди.*

САЙЛОВ — 2014

Маълумки, атроф-муҳитни асраб-авайлаш масалалари долзарблиги ҳамда муҳимлигидан келиб чиқиб, демократик сайлов тизимини шакллантириш натижасида Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 15 та депутатлик ўрни Ўзбекистон экологик ҳаракати вакилларига тақдим қилинди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон экологик ҳаракати ҳудудий бўлинмаларида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш ва уларни сайлаш бўйича республика конференциясига делегатлар сайлаш конференциялари бўлиб ўтмоқда.

Хусусан, Фарғона вилоятида ташкил этилган конференцияда Экоҳаракатнинг 350 нафар фаоли қатнашди. Тадбирда делегатларни сайлаш билан бирга, ҳудудда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экология соҳасида қонунчиликни такомиллаштиришнинг долзарб масалалари муҳокама этилди.

— Мамлакатимизда атроф-муҳит муҳофазасига алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи экология бўлими бошлиғи, Экоҳаракатнинг республика конференциясига сайланган делегат Х. Нишонов. — Ушбу соҳада самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмлар яратилган. Ҳозирги вақтда ҳудудларнинг экологик муаммоларини ҳал қилишда кенг жамоатчилик иштироки катта аҳамият касб этмоқда. Ягона мақсад атрофида саъй-ҳаракатларни бирлаштириш Ўзбекистон экологик ҳаракатининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Экоҳаракат олий органи — республика конференцияси делегатлари зиммасига улкан масъулият юкланмоқда. Чунки улар парламент қуйи палатасида депутатлик ўрнини ким эгаллашини, мамлакат олий қонун чиқарувчи органида бугунги ва келажак авлоднинг мусаффо табиатга бўлган ҳуқуқини ким илгари суришини ҳал қилади.

(Давоми 2-бетда).

Конституция — менинг тақдиримда

## Эзгу саъй-ҳаракатларнинг ҳуқуқий пойдевори

Инсон манфаатлари йўлида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар, хусусан, навқирон авлод камолотига қаратилаётган алоҳида эътибор ва ғамхўрлик Асосий Қонунимизда белгиланган ҳуқуқ ва кафолатларнинг амалдаги ифодасидир. Зеро, давлатимиз Конституцияси барча соҳалар қаторида таълим тизимини ҳам сифат, ҳам мазмун жиҳатидан тубдан ислоҳ этишда муҳим қонуний асос бўлиб хизмат қилмоқда.

> ***"Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга".***
>
> (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасидан).

Конституциямизда ҳар бир фуқаронинг таълим олиш ҳуқуқи кафолатланган. Ушбу мақсадда қабул қилинган "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида юртимизда замонавий таълим масканлари барпо этилиб, моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Бошқача айтганда, ўғил-қизларимизнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, иқтидор ва қизиқишларини рўёбга чиқариб, ҳар томонлама ривожлантириши учун муносиб шарт-шароитлар яратилди.

(Давоми 2-бетда).

ДИЛ СЎЗИ

*Ўзбекистон пахтачилик билан шуғулланувчи давлатлар ичида нисбатан шимолий минтақада жойлашган бўлса-да, юртимиз пахта етиштириш ва экспорт қилиш бўйича дунёда етакчилардан бири ҳисобланади. Чунки ҳар йили юқори сифатли ва эртаки ҳосил ёғин-сочинли кунларга қолдирилмасдан йиғиштириб олинмоқда.*

## Муваффақиятлар асоси — рағбат ва эъзоз

Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига йўллаган табригида алоҳида таъкидланганидек, охирги йилларда мамлакатимизда янги ғўза навларини яратиш, селекционер олимларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг меҳнатини рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирлар туфайли 100 дан ортиқ янги навлар яратилгани, уларнинг 27 таси давлат реестрига киритилиб, амалда жорий этилаётгани ушбу тармоқнинг изчил ривожланиб бораётганидан далолат беради.

Дарҳақиқат, республикамизда ҳар қайси ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитига мос келадиган, серҳосил, юқори сифатли тола берадиган, эртапишар ғўза навлари экилаётгани муваффақиятларнинг бош омили бўлаяпти. Масалан, бизнинг фермер хўжалигимиз экин майдонида икки йилдан буён "Порлоқ-1" нави парваришланмоқда. У айни бизбоп экан: тешпишар ва ҳосилдор, толасининг сифати ҳам юқори.

Мазкур навнинг яна бир мақбул жиҳати шундаки, ёз чилласидаги иссиқ об-ҳаво шароитига ҳам, сувсизликка ҳам чидамли.

(Давоми 2-бетда).

## ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*Жорий йилнинг учинчи чорагида Франциянинг “PSA Peugeot Citroen” автомобилсозлик компанияси даромади 1,6 фоиз ўсди.*

# Даромади кўпайди



Бундай натижага эришилишида компаниянинг машиналар учун турли деталлар, эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарувчи тармоқ корхонаси — “Faurecia” фаолиятидаги ижобий кўрсаткичлар муҳим аҳамият касб этди. Хусусан, бу ерда маблағ тушуми 6,5 фоиз ошди.

“PSA Peugeot Citroen” маҳсулотлари савдоси ҳам кўнгилдагидек бораяпти. Айниқса, Хитой бозорида талаб юқорилиги кузатилаётир. Шулардан келиб чиққан ҳолда, компания мутасаддилари йил якунлари бўйича ўсиш суръати 4-5 фоиз атрофида бўлишини тахмин қилишмоқда.

# Меҳнат бозорида ижобий ҳолат

*Испания статистика бошқармаси маълумотларига кўра, мамлакат меҳнат бозори ижобий томонга ўзгараяпти.*

Жумладан, июль — сентябрь ойларида ишсизлик даражаси аввалги чоракда қайд этилган 24,5 фоиздан 23,7 фоизга тушди. Бу экспертлар кутганидан яхшироқ натижадир. Лекин мазкур давлат ишсизлик кўрсаткичи юқорилиги бўйича ҳали-ҳамон Европа Иттифоқи аъзолари орасида Грециядан кейин иккинчи ўринда турибди.

Мутахассислар Испания меҳнат бозори молиявий-иқтисодий инқироздан олдинги ҳолатга қайтиши учун тахминан саккиз йил керак, деган фикрдалар.

# Парвозлар жадвалига таъсир қилмади

*Мехикодаги халқаро аэропортнинг иккинчи терминалида ёнғин рўй берди.*

Манбада айтилишича, бахтсиз ҳодиса умумий овқатланиш жойларидан бирида келиб чиққан. Аммо унинг аниқ сабаблари номаълум. Йўловчилар шошилинч равишда эвакуация қилинди, жабрланганлар ҳам бор.

Тезкор кўрилган чора-тадбирлар туфайли ёнғин бартараф этилди. Жиддий талафотлар кузатилмади. Аэропорт фаолияти ҳам тўхтаб қолгани йўқ. Барча парвозлар белгиланган жадвал асосида амалга оширилмоқда.

# Тежаш учун қисқартириш

*Буюк Британиянинг “Lloyds Banking Group” молия муассасаси 2017 йил охиригача иш ўринлари сонини 9 мингтага қисқартиришни режалаштирмоқда.*



Бу ҳақда “AFP” ахборот агентлиги хабар тарқатди. Ушбу тадбирдан кўзланган асосий мақсад харажатларни камайтиришдан иборат. Ташкилот мутахассисларининг ҳисоб-китобига қараганда, мазкур режа амалга оширилса, “Lloyds Banking Group” йилига 1 миллиард фунт стерлинг миқдоридаги маблағни иқтисод қилишга эришаркан.

# Энг иссиқ келган йил

*2014 йил метеокузатувлар бошланганидан буён энг иссиқ келган йил сифатида тарихга кириши мумкин.*

АҚШ океан ва атмосферани ўрганиш миллий бошқармаси томонидан эълон қилинган маърузада шу ҳақда сўз юритилган. Экспертларнинг таъкидлашича, сўнгги ўн икки ой ичида, яъни 2013 йилнинг октябридан 2014 йилнинг сентябригача ўртача ҳарорат доимий меъёрдан 0,69 даража юқори бўлди. Бундай ҳолат 1880 йилдан буён биринчи марта қайд этилди. Масалан, жорий йилги сентябрда қуруқлик ва океанлар юзасида ўртача ҳарорат Цельсий шкаласи бўйича 15,72 даражани ташкил қилди. Бу ҳам одатий меъёрдан 0,72 даража юқоридир.

Маърузада шу каби яна кўплаб таҳлиллар баён қилинган.

# “Олтин тўп” кимга берилади?

*ФИФА 2014 йил якунлари бўйича дунёнинг энг яхши футболчисига бериладиган “Олтин тўп” совринига номзодлар рўйхатини эълон қилди.*



Унда 23 нафар ўйинчи номи қайд этилган бўлиб, Европанинг иккита номдор жамоасидан энг кўп — олтитадан футболчи киритилган. Булар Германиянинг “Бавария” ҳамда Испаниянинг “Реал” (Мадрид) клублари вакилларидир. Терма жамоалар бўйича олганда ҳам рўйхатда германияликлар нисбатан кўпчиликни ташкил қилади. Қоидага мувофиқ, соврин учун курашни давом эттирадиган учта асосий номзод номи жорий йилнинг 1 декабрида аниқланади. Айнан улардан бири 2015 йилнинг 12 январида Цюрих шаҳрида бўладиган тантанали маросимда “Олтин тўп” билан тақдирланади.

Ўтган йил якунлари бўйича ушбу мукофотга Мадриднинг “Реал” клуби ҳужумчиси Криштиану Роналду лойиқ кўрилган эди.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

■ «КАМАЛАК ЮЛДУЗЛАРИ — 2014»

*Наманган шаҳрида “Камалак юлдузлари” республика болалар ижодиёти фестивалининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган 377 нафар ўғил-қиз мумтоз ва миллий чолғучилик, вокал, рақс, тасвирий ва амалий санъат, наср ва назм йўналишларида ўз билим ҳамда иқтидорини намойиш этди.*

# Иқтидорли болажонлар фестивали

Айтиш жоизки, мазкур танловнинг нуфузи тобора ошиб бормоқда. Буни биргина Наманган вилояти бўйича туман ва шаҳар босқичларида 2800 нафарга яқин ўқувчи қатнашгани ҳам яққол тасдиқлайди.

Қатнашчилардан бири — Хадичабегим Зокирова. У Наманган шаҳридаги 58-ихтисослаштирилган умумтаълим мактабининг 5-синфида ўқийди. Инглиз тилида бемалол сўзлаша оладиган бу қизалоқ қўшиқ куйлашга ҳам қизиқади.

— Фестивалга “Эй, нозанин” ва “Гўзал Тошкент жамоли” деган қўшиқларни тайёрлаб келдим, — дейди Хадичабегим. — Дастлаб шаҳар босқичидан муваффақиятли ўтганимдан кейин ўзимга бўлган ишончим анча ортди. Бу танлов менда катта таассурот уйғотди. Турли йўналишларда изланаётган тенгдошларимиз ижоди билан яқиндан танишиш, янги дўстлар орттириш имконига эга бўлаяпмиз. Бундан беҳад мамнунмиз.

Тадбир жажжи иқтидор эгалари иштирокидаги гала-концерт билан ниҳоясига етди. Мамлакат босқичига йўлланма олган болажонларга ташкилотчиларнинг диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# Қизиқарли мулоқотлар, амалий тажрибалар

*Мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар ўсиб келаётган навқирон авлоднинг ҳар томонлама етук бўлиб камол топишига хизмат қилмоқда. Пойтахтимизда бўлиб ўтаётган “Infolib — 2014” учинчи миллий ахборот-кутубхона ҳафталигида ҳам ана шу ҳаётий ҳақиқат ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.*

■ ТАДБИР

Ҳафталикнинг “Билимлар куни” деб номланган иккинчи кунида Тошкентдаги Гёте институти кўмагида “Замонавий кутубхона менежменти ва маркетинги” мавзуида семинар ташкил этилди. Унда Кёльн амалий фанлар институти доктори, профессор Урсула Георгининг соҳага оид маърузаси тингланди. Жумладан, кутубхона ва ахборот маркетинги, стратегик маркетинг, лойиҳа-менежмент, инновацион менежмент каби мавзуларда йиғилганларга атрофлича маълумотлар берилди.

“Археология бугун: ёшлар учун янги имкониятлар” мавзуидаги семинарда Ўзбекистон Фанлар академияси Археология илмий тадқиқот институти мутахассислари мамлакатимизда археология соҳасида эришилаётган ютуқлар тўғрисида атрофлича фикр билдиришди. Шунингдек, замонавий археологияда амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар, бунда юксак салоҳиятли ёшларимизнинг ўрни муҳим аҳамият касб этаётгани таъкидланди.

“Янги тарих ёки у қандай бўлиши керак?” мавзуида ўтказилган баҳс-мунозараларда эса тарихчи олимлар, мутахассислар ҳамда ижодкорлар юртимизнинг бой ўтмиши, унинг тарихий ҳақиқатларини ёшларимиз онг-шуурига етказиш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан бири эканлигини қайд этиб ўтишди.

— Истиқлол йилларида Ватанимиз тарихини ўрганиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди, — дейди Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети доценти Неъматжон Полвонов. — Хусусан, олимларимиз томонидан юртимиз тарихига доир қатор адабиётлар, қўлланмалар нашр қилинди. Уларда ўтмишга оид тарихий воқеалар, аждодларимизнинг табаррук номлари, эзгу ишлари батафсил баён этилган.

Шунингдек, кутубхонанинг Кино марказида Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси томонидан коммуникатив кўникмаларни ошириш бўйича интерактив машғулотлар ўтказилди. Жумладан, Ягона давлат интерактив хизматлари портали фаолиятига эътибор қаратилди.

**Дилмурод СОДИҚОВ.**

● ЭЪЛОНЛАР ●




## ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ БОШҚАРМАСИ

**қишлоқ врачлик пунктлари учун зарурий дори воситалари ва тиббий буюмларни марказлаштирилган асосда ўтказилган тендер савдоларида иқтисод қилинган маблағлар ҳисобига қуйидаги дори воситалари, реактивлар ҳамда тиббий буюмларни сотиб олиш учун танлов эълон қилади.**

| № | Дори-дармонлар ва тиббий буюмлар номи | Керакли сони |
|---|---|---|
| 1. | Бир марта ишлатиладиган шприц, стерилланган, 2 мл. | 11 000 |
| 2. | Бир марта ишлатиладиган шприц, стерилланган, 5 мл. | 11 000 |
| 3. | Бир марта ишлатиладиган шприц, стерилланган, 10 мл. | 11 000 |
| 4. | Бир марта ишлатиладиган скарификатор, стерилланган | 60 000 |
| 5. | Гинекологик кўзгу, бир марта ишлатиладиган, стерилланган, ўлчами 2 (Middle) | 6 250 |
| 6. | Гинекологик кўзгу,бир марта ишлатиладиган, стерилланган, ўлчами 3(Large) | 6 252 |
| 7. | Тиббий қўлқоп, стерилланган, ўлчами № 8,0 | 7 300 |
| 8. | Тиббий қўлқоп, стерилланмаган , ўлчами № 8 | 7 200 |
| 9. | Дозатор учун учлик (наконечник) (5-200 мкл.) | 165 |
| 10. | Тиббий пахта, гигроскопик, ўрамда 100 г. | 1 600 |
| 11. | Калий йодид таблеткалар 100 мкг., 200 мкг. №50 | 2 245 |
| 12. | Этил спирти 70%-50 мл. | 2 000 |
| 13. | Кофеин-натрий бензонат инъекция учун эритма 20% | 800 |
| 14. | Сальбутамол аэрозоль: 200 мкг./доза | 510 |
| 15. | Декстроза инъекция учун эритма 40%-10 мл. №10 | 355 |
| 16. | ЭКГ қоғози, ўлчами 50х30, 50х28 | 350 |
| 17. | Бинт, стерилланмаган 7х14 ўлчамда | 500 |

Танловда талабгорларга қўйиладиган шартларни бажарган, харид қилинадиган маҳсулотларнинг тегишли ҳажмларини етказиб бериш тажрибасига эга бўлган фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар ва улгуржи ташкилотлар қатнашишлари мумкин.

Танловда иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар эълон чоп этилган санадан бошлаб 10 кун давомида қабул қилинади.

**Танлов комиссияси ишчи органи номи ва манзили:**
Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси, 220100,
Урганч шаҳри, F. Fулом кўчаси, 16-«А» уй. Тел.: (0-362) 223-06-33, 223-06-11, 223-06-26, факс: 223-06-33,
e-mail: horezm_ozo_2011@mail.ru

**Банк реквизитлари:**
**Молия вазирлиги ғазначилиги.**
**Ғазна ҳисобварағи:**
**23402000300100001010,**
**СТИР: 201122919, ОКОНХ: 97500,**
**МФО: 00014**
**Марказий банк Тошкент шаҳар ББ ҲККМ**
**Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси**
**Ш/ҳ/р: 100021860334017072130054001**
**Махсус ҳ/р:**
**400121860334017950100054002**
**СТИР: 201989194.**

1716A/859

## ЭЪЛОН

**Ўзбекистон Республикаси**
**Ички ишлар вазирлиги**
**Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати эҳтиёжлари учун «ЗИЛ-131» русумли автомобиль эҳтиёт қисмларини харид қилиш бўйича газетанинг 2014 йил 19 сентябрдаги 182 (6082)-сонида эълон қилинган тендер натижалари бўйича «AVTOSHINA SAVDO LUYKS» МЧЖ ғолиб деб топилди.**

1714A/863

## «ДЕҲҚОНОБОД КАЛИЙЛИ ЎҒИТЛАР ЗАВОДИ» унитар корхонаси

**«МАЗ 651608-220» русумли самосвал автомашиналарини сиқилган табиий газда (30%-дизель, 70%-метан) ишлаш учун қайта жиҳозлаш мақсадида**

**танлов эълон қилади.**

**Янада тўлиқроқ маълумот олиш учун қуйидаги телефон рақамларига: (+99 875) 612-50-46, (+99 898) 776-73-95 ёки info@dkz.uz электрон манзилига мурожаат қилишингиз мумкин.**

1660A/835

# Юксак истеъдод ва маҳорат

*Юртимизда хотин-қизларнинг барча соҳалардаги фаолиятини қўллаб-қувватлаш, улар ўртасида спортни оммалаштириш, аёл мураббийлар меҳнатини муносиб рағбатлантиришга зарур шарт-шароитлар яратилган.*

■ АЁЛЛАР СПОРТИ

Бунда Президентимизнинг “Қишлоқ жойлардаги болалар спорти объектларида банд бўлган аёл спорт устозлари меҳнатини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, “Бадиий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган республика олимпия захираси спорт мактабини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорлари муҳим аҳамият касб этаётир. “Соғлом бола йили” Давлат дастурида фарзандларимизда, айниқса, қиз болалар ўртасида жисмоний тарбия ва спортга меҳр уйғотиш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланган бўлиб, уларнинг ижроси изчиллик билан амалга оширилаяпти.

Мана шундай юксак эътибор хотин-қизлар ўртасида спортнинг тобора оммалашишига, улар орасидан халқаро майдонларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир атлетлар етишиб чиқишига хизмат қилаётир.

Жорий йилнинг 19 сентябрь — 4 октябрь кунлари Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳрида ўтказилган XVII Осиё ўйинларида ўзбекистонлик хотин-қизлар томонидан учта олтин, учта кумуш, тўртта бронза медали қўлга киритилгани бу борада олиб борилаётган ишлар самара бераётганига яққол мисолдир. Мазкур нуфузли мусобақада бадиий гимнастикачилар Жамила Раҳматова, Равиля Фархутдинова, Валерия Давидова ва Анастасия Сердюковадан иборат Ўзбекистон терма жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Енгил атлетикачиларимиздан Светлана Радзивил баландликка сакраш баҳсларида энг юқори натижа кўрсатиб, фаолияти давомида кетма-кет иккинчи бор Осиё ўйинлари ғолибига айланди. Еттикураш беллашувларида Екатерина Воронина муваффақият қозонди. Спорт гимнастикаси устаси Оксана Чусовитина, каратэ баҳсларида Барно Мирзаева, енгил атлетика беллашувларида Александра Котлярова, Юлия Тарасова, Надежда Дўсанова, оғир атлетика мусобақасида Маҳлиё Тоғаева совриндорлар сафидан жой олди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасида мазкур нуфузли мусобақада ғолиб ва совриндор бўлган спортчи хотин-қизларни тақдирлаш, уларнинг ютуқларини ёшларга ибрат қилиб кўрсатишга бағишланган тадбир ўтказилди.

Унда мамлакатимизда иқтидорли спортчи қизларни қўллаб-қувватлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани таъкидланди. Хусусан, Президентимизнинг 2011 йил 4 августдаги фармойишига биноан, спорт билан мунтазам шуғулланаётган қизларни рағбатлантириш анъанага айлангани қайд этилди. Жорий йил республикамиз бўйича 301242 нафар қизга замонавий, миллий менталитетимизга мос спорт кийимлари тантанали равишда топширилди.

— Мамлакатимизда Юртбошимиз томонидан биз, ёшларнинг спортда юксак марраларни эгаллашимиз учун барча шарт-шароит яратиб берилган, — дейди каратэ бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Барно Мирзаева. — Мен ҳам ана шундай улкан эътибор туфайли спортнинг каратэ тури билан мунтазам шуғулланаяпман. Ўтган йиллар давомида Ўзбекистон, Осиё чемпионатлари ва ўйинлари, Гран-при туркумига кирувчи мусобақаларда юқори ўринларни эгалладим. Эндиги мақсадим, 2018 йилда Индонезияда бўлиб ўтадиган навбатдаги қитъа ўйинларида ғолибликка эришиш. Айни чоғда ноябрь ойида Германияда ташкил этиладиган жаҳон чемпионатига тайёргарлик кўраяпмиз. Унда ҳам ғолиб чиқиб, давлатимиз байроғини баланд кўтармоқчиман.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова сўзга чиқди.

**Зиёда АШУРОВА.**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жамоаси суд фахрийси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист **Мария Андреевна АЛИМЖАНОВАнинг** вафоти муносабати билан марҳуманинг яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.



Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳрида бўлиб ўтган Параосиё ўйинларида муваффақиятли қатнашган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари “Тошкент” халқаро аэропортида тантанали кутиб олинди.

# Qishloq Qurilish Bank

***Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли иқтисодий ислоҳотлар, аввало, инсон, унинг манфаатларини таъминлаш ва турмуш даражасини янада яхшилашга қаратилган бўлиб, мазкур жараёнда банк тизими ҳам фаол иштирок этмоқда. “Қишлоқ қурилиш банк” фаолияти бунга яққол мисол бўла олади. Гап шундаки, ушбу молия муассасаси жорий йилда ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган бир қатор ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш билан бирга, ўзининг узоқ муддатли ривожланиш стратегияси ижросига ҳам катта эътибор қаратди. Натижада бугунги кунга келиб, жамоа томонидан муайян ютуқлар қўлга киритилди.***

## «Қишлоқ қурилиш банк»:

# МИЛЛИЙ ВА ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ КЎРСАТКИЧЛАРИ ТОБОРА ОШМОҚДА

*Жумладан, 2014 йили “Қишлоқ қурилиш банк” АТБ “РИА-Рейтинг” агентлиги томонидан ўтказилган “МДҲ Топ — 200” банклар рўйхати рейтинги бўйича 177-ўринни эгаллади. Бу рейтинг МДҲ банк тармоғининг 2013 йил якунларига доир тадқиқоти асосида тузилган бўлиб, унинг маълумотлари банкларнинг молиявий ҳисоботлари, МДҲ мамлакатлари Марказий банклари статистика бюллетенлари ва бошқа очиқ манбалардан олингани билан диққатга сазовордир.*

Банкнинг миллий ҳамда халқаро рейтинг кўрсаткичларини янада ошириш ва молия хизматлари бозорида тутган мавқеини мустаҳкамлаш борасида эришилган ижобий натижалар инобатга олиниб, шунингдек, ўтган йил якуни бўйича “Moody‘s Investors Service” халқаро рейтинг компанияси унинг миллий валютадаги депозитларининг узоқ муддатли рейтингини B2 даражадан B1 даражага кўтарди, хорижий валютадаги банк депозитларининг узоқ муддатли рейтингини B2, молиявий барқарорлик кўрсаткичини E+ даражада қайта тасдиқлади. Барча рейтинглар прогнози “Барқарор” эканлиги, айниқса, эътиборга молик.

Шу йил 27 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва “Қишлоқ қурилиш банк” АТБ томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутатлари ҳамкорлигида ташкил этилган навбатдаги матбуот анжуманида “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Қонун ижроси молия муассасалари фаолияти мисолида кўриб чиқилди. Унда мамлакатимизда банк тизимини янада ислоҳ қилиш ҳамда барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришиш бўйича бажарилаётган кенг қамровли ишлар, шу билан бирга, аҳолини, хусусан, ёшларни уй-жой билан таъминлаш ҳамда қишлоқ инфратузилмасини яхшилашда банкларнинг ўрни ҳақида сўз борди.

Қайд этилдики, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 19 февралдаги “Соғлом бола йили” Давлат дастури тўғрисида”ги қарори асосида “Қишлоқ қурилиш банк” АТБ томонидан аҳолининг иқтисодий ночор қатламларини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, халқимизнинг даромадларини, турмуш даражаси ва сифатини изчил юксалтириш, ижтимоий соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида бир қатор тадбирлар амалга оширилди.

### Банк активлари барқарор ўсмоқда

Бугунги кунда банкнинг 42 та филиали, 50 та минибанки ҳамда 183 та шохобчаси орқали 464 мингдан ортиқ юридик ва жисмоний шахслар мақомидаги мижозларга кенг кўламли банк хизматлари кўрсатиб келинмоқда.

Президентимизнинг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор



йўналишлари тўғрисида”ги қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда, банкнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш учун ҳисобот даврида қатъий депозит сиёсати юритилди. Пировардида 2014 йилнинг 9 ойида банкнинг соф активлари 3395,2 млрд. сўмга етиб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1158,1 млрд. сўм ёки 51,8 фоиз ўсди. Банк активлари таркибида даромад келтирувчи активларнинг улуши 91,9 фоизни ташкил этган бўлса, банкнинг ликвидлилик, ишончлилик, тўловга қобилиятлилик каби қатор асосий кўрсаткичларининг барқарорлигини таъминлашга қаратилган сиёсати натижасида эса унинг капитали 351,2 млрд. сўмдан ортди.

Шу билан бирга, банкдаги аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг депозитлари йил бошидагига нисбатан 81,9 млрд. сўм ошиб, 594,4 млрд. сўмга тенг бўлди. Оилани янада мустаҳкамлаш, хотин-қизларнинг оиладаги ва жамиятдаги ўрни ҳамда мавқеини ошириш, уларнинг ижтимоий фаоллигини кучайтириш, бандлигини таъминлаш, иқтисодиётнинг турли тармоқ ва соҳаларида уларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантириш, уй-рўзғор юмушларини енгиллаштириш мақсадида етарли ижтимоий-маиший шарт-шароитлар яратиш учун тадбиркор аёллар раҳбарлик қилаётган хўжалик субъектларига 45,4 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Айни чоғда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, ўз бизнесини йўлга қўйишлари ҳамда истиқболли лойиҳаларни молиялаштириш учун уларга 12,1 млрд. сўмлик имтиёзли микрокредитлар берилгани ҳолда, ёш оилаларга 39,5 млрд. сўм миқдорида ипотека кредитлари тақдим этилди. Аёлларнинг уй меҳнатини




енгиллаштириш ва маиший шароитларини яхшилаш мақсадида жорий йилнинг январь — сентябрь ойларида 1,3 млрд. сўмлик истеъмол кредитлари йўналтирилди.

Қолаверса, давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган Дастурда белгиланган мақсад ва вазифаларни бажариш, жумладан, ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, замонавий касб-ҳунарларни пухта эгаллашлари учун муносиб шароитлар яратиш, уларни иш билан таъминлаш ва тадбиркорликка жалб қилиш бўйича ҳам “Қишлоқ қурилиш банк” томонидан кўплаб тадбирлар изчил амалга оширилди. Хусусан, “Менинг бизнес ғоям” ва “Ёш тадбиркор — юртга мададкор” кўрик-танловларини ўтказиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Савдо-саноат палатаси, “Камолот” ЁИҲ ҳамда “Қишлоқ қурилиш банк” АТБ ўртасида қўшма қарор имзоланиб, унга мувофиқ, танловларнинг ҳудудий ва республика босқичлари ташкил этилди ва ғолиблар имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификат ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2013 йил 20 ноябрдаги “2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури тўғрисида”ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 21 ноябрдаги 60-сонли мажлиси баёнида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида эса “Қишлоқ қурилиш банк” томонидан шу йилнинг 9 ойи мобайнида кичик бизнес субъектларига жами 365,4 млрд. сўмдан ортиқ кредитлар ажратилиб, банк филиаллари мижозлари — 1586 та корхонада жами 9505 та янги иш ўрни яратилиши таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Хотин-қизлар қўмитаси, “Тадбиркор аёл” Ўзбекистон ишбилармон аёллар уюшмаси ҳамда бир қатор тижорат банклари ҳамкорлигида 2014 йилнинг 11 июнида “Хотин-қизлар тадбиркорлиги — банк эътиборида” мавзуида анжуман ўтказилди. Мазкур тадбирда “Қишлоқ қурилиш банк” АТБ ҳам фаол иштирок этиб, қишлоқ жойларда янги иш ўринларини яратиш, оилавий бизнес ва касаначиликни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшиб келаётган 10 нафар аёл тадбиркорга имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар тақдим қилинди.

### Инвестицион фаолликни кучайтириш йўлида

Иқтисодиётнинг базавий тармоқларини ривожлантириш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш, реал сектор корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш мақсадларига жорий йилнинг 9 ойи давомида банк томонидан 259,4 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилиб, хўжалик юритувчи субъектларнинг кўплаб инвестиция лойиҳалари молиялаштирилди. Жумладан, саноатга 31,1 млрд. сўм, қишлоқ хўжалигига 13,1 млрд. сўм, транспорт ва коммуникация соҳасига 35,1 млрд. сўм, қурилишга 33,8 млрд. сўм, моддий-техник таъминот ва маиший хизмат кўрсатишга 36,1 млрд. сўм, ижтимоий соҳага 100,6 млрд. сўм ҳамда бошқа секторлардаги корхоналарга 9,6 млрд. сўмлик кредитлар берилди.

Банк томонидан, шунингдек, “2013 — 2015 йилларда республика ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Дастури”га биноан, 2014 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, корхоналарнинг жами 3534 та янги иш ўрни яратилишини назарда тутувчи 547 та лойиҳасига 40,5 млрд. сўм миқдорида кредитлар йўналтирилди.

“2014 йилга мўлжалланган иқтисодий ночор, камқувватли ва фаолият кўрсатмаётган корхоналарни молиявий соғломлаштириш Дастури”га асосан, 82 та лойиҳага



18,1 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилган бўлса, “Республика ҳудудларида 2013 — 2014 йилларда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш Дастури” асосида 34 та лойиҳага 5,1 млрд. сўм миқдорида кредитлар берилди.

Бундан ташқари, “2013 — 2015 йилларда республика ҳудудларида пахта толасини чуқур қайта ишлаш ҳисобига ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош тайёр тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган замонавий янги корхоналарни ташкил этиш Дастури” доирасида “Қишлоқ қурилиш банк” АТБ томонидан 8 та лойиҳага 2,8 млрд. сўм миқдорида кредитлар йўналтирилишига эришилди.

### Қишлоқ тараққиёти — юрт ободлиги

Маълумки, республикамизда Президентимиз ташаббуси билан бир неча йилдан буён қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини яхшилаш, замонавий қурилиш материалларидан фойдаланиб, ҳудудларда сифатли уй-жойларни қуриш, ижтимоий соҳа объектларини барпо қилиш ҳамда қишлоқларимиз қиёфасини тубдан янгилашга қаратилган кенг қамровли Давлат дастурлари ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Айтайлик, 2014 йил учун тасдиқланган шундай дастурга мувофиқ, юртимизнинг 151 қишлоқ туманида жойлашган 330 та массивда умумий майдони 1534,7 минг квадрат метр ва қиймати 1760 млрд. сўм бўлган 11000 та уй-жой қурилиши режалаштирилган бўлиб, шундан 7981 таси “Қишлоқ қурилиш банк” АТБ иштирокида молиялаштирилиши кўзда тутилган эди.

2014 йил 1 октябрга қадар 1210 млрд. сўм миқдоридаги имтиёзли ипотека кредитлари “Қишлоқ қурилиш инвест” инжиниринг компаниясининг махсус ҳисоб рақамига ўтказиб берилди.

Президентимизнинг 2013 йил 18 ноябрдаги “2014 йил учун Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастури тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида эса ушбу молия муассасаси ва “Ўзмиллийбанк” билан биргаликда 2014 йилда қишлоқ жойларда қуриладиган якка тартибдаги уй-жойларни молиялаштириш учун Осиё тараққиёт банкининг жами 106,8 млн. АҚШ доллари (шундан “Қишлоқ қурилиш банк” АТБ томонидан 85,44 млн. АҚШ доллари) миқдоридаги маблағни жалб қилиш режалаштирилган эди. Жорий йилнинг 1 октябригача “Қишлоқ қурилиш банк” томонидан Осиё тараққиёт банкининг 153,3 млрд. сўм ёки 67,3 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағлари уй-жой қурилишини молиялаштириш учун йўналтирилди.

Шу билан бирга, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш, пластик карточкалар орқали тўловларни амалга ошириш учун қулай шарт-шароит яратиш масаласи ҳам банк жамоасининг диққат-эътиборида турибди. Чунончи, банк томонидан жойлаштирилган терминаллар сони, 2014 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, 6705 донани, муомалага чиқарилган пластик карточкалар сони эса 351 699 тани ташкил этди. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 50 мингдан ортиқ пластик карточкалар муомалага чиқарилиб, 1200 та терминал ўрнатилди. Йил охиригача қўшимча равишда яна 2500 дона мобиль терминалини жойлаштириш мўлжалланмоқда.

“Интернет-банкинг”, “SMS-банкинг” каби банк хизмат турлари доираси кенгайтирилиб, 2014 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, “Интернет-банкинг” тизимидаги мижозлар сони 1625 тага, “SMS-банкинг” хизмати жорий қилинган мижозлар сони эса 14814 тага етди. Айни пайтда “Click” МЧЖ билан биргаликда банк ўз мижозларига “онлайн” карточкалари орқали тўловларни амалга ошириш тизимини ҳам татбиқ этган бўлиб, бу уларга турли кўринишдаги тўловларни ўз мобиль аппаратлари ёрдамида ўтказиш имконини бермоқда.

Ҳозирги кунда “Қишлоқ қурилиш банк” АТБнинг “DUET” пластик карточкалари мижозлари учун “Click” тизимидан фойдаланган ҳолда, “Mobil-banking” хизмати орқали туну кун турли тўловларни амалга ошириш ҳам йўлга қўйилди. Келгусида ушбу хизмат тури янада такомиллаштирилиб, унинг ёрдамида тўловлар қамрови ҳам бирмунча кенгайтирилади.

Мухтасар айтганда, “Қишлоқ қурилиш банк” АТБ жамоаси бундан буён ҳам пластик карточкалар орқали хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, улардан фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга устуворлик бераверади. Мақсад замонавий технологияларни қўллаган ҳолда, янги банк хизматларини жорий қилишдир.

ЭЪТИРОФ

## Ишбилармонлик учун кенг имконият

**Умархон ЖАЛОЛОВ, Фарғона вилояти, Бағдод туманидаги “Qudumi sharif” хусусий корхонаси раҳбари:**

— Бугун юртимизда кичик бизнес субъектларини ривожлантиришга катта аҳамият қаратилмоқда. Айниқса, биз каби ёш ишбилармонларнинг ўз бизнесини йўлга қўйиши учун кенг имкониятлар яратилаётгани қувонарлидир.

“Ҳунарли киши хор бўлмас” деганларидек, ёшлигимдан ҳунар ўрганганим мана шу имкониятлардан баҳраманд бўлишимда қўл келмоқда. 2010 йилда “Qudumi sharif” хусусий корхонасини ташкил этиб, атрофимга тенгқурларимни тўпладим. Орадан уч йил ўтгач эса, корхонамиз фаолиятини кенгайтириш, яъни пластик ва алюминий эшик-ромлар ишлаб чиқариш мақсадида “Қишлоқ қурилиш банк” АТБнинг Қўқон филиалига мурожаат этдим. Лойиҳам қисқа муддатда банкнинг малакали ходимлари томонидан чуқур ўрганилиб, бизнес-режага асосан, қирқиш дастгоҳлари ва хом ашё сотиб олиш учун 80 миллион сўм миқдорида кредит ажратилди. Бундай молиявий кўмак эвазига бултур 53,2 миллион сўм соф фойда олган бўлсак, жорий йилда бу кўрсаткични янада оширишни ният қилганмиз.

## Ишончли кўмакдош

**Одил КАРИМОВ, Бухоро вилояти, Ромитан туманидаги «Жасурбек Фирдавс» хусусий корхонаси раҳбари:**

— Сўнгги йилларда мамлакатимизда сут маҳсулотларига бўлган талабнинг ошиб бораётганлигини инобатга олиб, 2009 йилда сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда сотиш мақсадида ўзимнинг, оз бўлса-да, маблағим билан “Жасурбек Фирдавс” хусусий корхонасини ташкил қилдим. Ҳозир сифатли, экологик тоза маҳсулотларни ишлаб чиқаришни замонавий технологияларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Давр талабидан келиб чиқиб, биз ҳам илғор технологиялар асосида ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга қарор қилдик. 2012 йилда “Қишлоқ қурилиш банк”нинг Галаосиё филиалига мурожаат этдик. Банк томонидан бизнес лойиҳамиз тез орада кўриб чиқилиб, сут маҳсулотларини қайта ишлаш учун замонавий технология сотиб олишимизга 120 миллион сўм миқдорида кредит маблағи ажратилди. Замонавий технологияларни ишга тушириш натижасида ўтган йили 33 миллион сўм соф фойда олдик. Муҳими, 3 нафар коллеж битирувчиси доимий иш билан таъминланди. Айни пайтда корхонамизда 6 турдаги сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Келажакда фаолиятимизни янада ривожлантириш ниятимиз бор. Албатта, ушбу эзгу мақсадимизни амалга оширишда “Қишлоқ қурилиш банк”нинг мададига суянамиз.

**«Қишлоқ қурилиш банк» материаллари асосида Икром ЎТБОСАРОВ тайёрлади.**

Реклама ўрнида

## Маданият хабарлари



***Ўзбекистон давлат консерваториясида халқ чолғулари бўйича “Она юрт оҳанглари” деб номланган халқаро танловнинг ғолиб ва совриндорларини тақдирлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.***

# Танлов ғолиблари тақдирланди

ИСТЕЪДОД

Таъкидлаш керакки, мамлакатимизда таълим тизимига берилаётган юксак эътибор натижасида мактабларимиз, хусусан, болалар мусиқа ва санъат мактаблари тубдан янгиланиб, уларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди, зарур жиҳозлар ва ўқув қўлланмалари билан тўлиқ таъминланди. Бу эса ёш авлод вакилларининг нафақат миллий, балки жаҳон мусиқа санъати сирларини ҳам мукаммал ўрганишларида муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, мамлакатимизда уларнинг интеллектуал салоҳиятини ҳамда истеъдодини юксалтириш учун турли кўрик-танловлар, ижодий учрашувлар уюштирилмоқда.

Хусусан, бир ҳафта давом этган халқ чолғулари бўйича “Она юрт оҳанглари” халқаро танлови ҳам ёшларимизнинг иқтидорини рўёбга чиқариш, миллий оҳангларимиз ҳамда жаҳон бастакорларининг энг сара асарларидан хорижлик ёш санъаткорлар, мутахассисларни баҳраманд этиш имконини берди.

Ёш тоифаси бўйича ўтказилган танловда кичик гуруҳда (12-15 ёш) ўзбекистонлик Мавлонбек Ўрмонов (қонун), Исломбек Нуриддинов (афғон рубоби), озарбайжонлик Умарбек Шукур ўғли (ғижжак) ғолиб чиқди.

Катта гуруҳ (16-19 ёш) иштирокчилари ўртасида истеъдодли вакилимиз Маъруфжон Қодиржонов (қашқар рубоби), қозоғистонлик Ойбек Худойберганов (дўмбира) биринчи ўринга лойиқ топилди.

Ғолиб ва совриндорларга ташкилотчилар томонидан диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

**Дилмурод АБДУРАИМОВ.**

# «Очил дастурхон»

***Болалик — инсон умрининг беғубор фасли. Эртаклар олами эса уларнинг самимиятга йўғрилган умрини безовчи воситадир.***

ТЕАТР

Фарғона вилояти қўғирчоқ театрида саҳналаштирилган “Очил дастурхон” эртак-спектаклини томоша қилсангиз, бунга яна бир бор ишонч ҳосил қиласиз.

Халқимиз эртаклари асосида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Фатҳулла Хўжаев саҳналаштирган мазкур эртак-спектакль Соғлом бола йилида жажжи фарзандларимиз учун муносиб туҳфа бўлди.

**Моҳира АДИЗОВА.**



Ўзбекистон Миллий кутубхонаси энг замонавий андозалар асосида бунёд этилган бўлиб, бугунги кунда унинг бағрида етти миллион нусхага яқин китоб сақланмоқда.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1067. 75 792 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.10 Топширилди — 23.20 1 2 3 4 5